## ҚИНҒИР ИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ

...амалга оширилган тадбирлар давомида бюджетга жами 429,7 млн. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, шундан 211,5 млн. сўми ундирилиши таъминланди.

3 бет

## ОИЛА — МУҲИМ ТАРБИЯ МАСКАНИ

Энди ўйлаб кўрсам, ўртоғимнинг отаси тарбияга нотўғри ёндашган экан. У болаларининг ўқиб-ўрганишлари учун ҳамма имкониятни яратибди-ю, ўзи бунга ўрнак бўлмаган экан.

4 бет

## НАФАҚАХЎР «ЎЛИК ЖОН»ЛАР

– Мен ўлган пенсионернинг фамилиясини тўлов ведомостига киритаман. Сиз ҳайрон бўлмасдан, унга ҳам ҳисобланган нафақа пулини қўшиб олиб, менга берасиз.
– Суриштириб қолишса...

10 бет

## «БОТАНИКА БОҒИ»НИНГ СИРИ

...уй бекаси ҳаммаёқни гулга тўлдириб, балконида катта тувакда кўкнори ҳам ўстираркан, – шивирлади сержант. – Бу аёл оддий гул ишқибози эмасга ўхшайди...

12 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 24-aprel, № 17 (590)


*Ўзбекистон Республикасининг*

## *ҚОНУНИ*

### ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 10 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги 915-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №5, 110-модда; 2003 йил, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №9, 420-модда) **13-моддасининг ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012- XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, №4, 158, 166-моддалар, №6, 248-модда, №9, 416, 422-моддалар, №12, 607-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **122-модда:**

**биринчи қисмидаги** «уч йилгача» деган сўзлар «икки йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса,—

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **127-модда:**

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

**учинчи қисмининг русча матнидаги** «несовершеннолетних» деган сўз «несовершеннолетнего» деган сўз билан алмаштирилсин.

(Давоми 4-бетда).

РЕПОРТАЖ

# *Матонат мактаби*



**Эрталаб соат ўн. Фарғона вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси биноси олдидаги кўча одатдагидан кўра гавжум. Ота-оналар, қариндош-уруғлар фарзандлари, ака-укаларини муддатли ҳарбий хизматга кузатгани келишган.**

— Ўғлимни ҳарбий хизматни ўташга лойиқ топганларидан беҳад мамнунман, — деди данғаралик Мўминжон Эсонов. — Зеро, Ватан мудофаасига шай туриш ҳар бир йигитнинг, фуқаронинг бурчи. Армияда чиниқади, ички бир интизом шаклланиб, кейинчалик барча ишларида қўл келади.

Мудофаа ишлари бошқармаси ичкарисида бугун ҳарбий хизматга жўнатилаётган йигитлар бўлинма-бўлинма шаклида саф тортишган. Ҳаммаларининг эгниларида бир хилда, сиёҳранг спорт костюмлари. Фарғона шаҳар мудофаа ишлари бўлинмаси бошлиғи полковник Р.Қодиров йигитларга йўл-йўриқлар беради.

— Ҳаммаларингга ҳозир йўл учун бадал пуллари тарқатилади. Митингдан кейин сизларга дастурхон мунтазир. Сўнгра вокзалда яқинларинг, ота-оналаринг билан хайрлашишга вақт берилади. Борган ҳарбий қисмларингда ҳарбий иш асосларини пухта эгаллайсизлар. Ота-оналарингиз юзини ерга қаратмаслик учун ҳарбий интизомга қатъий амал қиласизлар.

Сафдан тарқалишга рухсат берилгач, йигитлар дилида кечаётган ҳис-туйғулар билан қизиқдим.

— Риштоннинг Жалоёр қишлоғиданман, — деди Шавкатжон Турдиев. — Оилада уч фарзандмиз. Иккита опам бор. «Ватанпарвар» ташкилотининг Қўқондаги автомобил мактабида ҳайдовчилик касбига ўқидим. Ота-онам ҳарбий хизматни ўташ йигит кишига ҳам қарз, ҳам фарз деб уқтиришган. Хизматда ҳарбий иш билан бирга ҳайдовчилик касбини пухта эгаллаш ниятидаман. Насиб қилса, олий билим даргоҳида ўқийман...

Ўн саккиз ёшга кирган, Қува туманининг Қорашоҳ қишлоғилик Исломиддин Мадраҳимовлар оиласида ҳам уч фарзанд бўлиб, у кенжа ўғил. 44-ўрта мактабни аъло баҳоларга битирган. Дадаси Ҳакимжон аканинг касби электромонтёр.

— «Ватанпарвар» ташкилотида алоқачиликка ўқидим, — деди И.Мадраҳимов. — Дадам, аямлар кузатгани, оқ йўл тилагани келишган. Худо хоҳласа, ҳарбий хизматни намунали ўтайман. Янги дўстлар орттираман.

(Давоми 4-бетда).

ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

# ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНДИ

18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуидаги ўқув семинари ўтказилди. Унда вазирлик марказий аппарати ҳамда ҳудудий бошқармаларининг ахборот хизмати ходимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов анжуманни кириш сўзи билан очар экан, мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад марказий ва маҳаллий ОАВда ёритилаётган адлия тизимига оид материалларнинг сифатини яхшилаш, тизимда ахборот хизматига бириктирилган ходимлар малакасини ошириш ҳамда ОАВлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтди.

Семинар кун тартибига кўра «Қонун ҳужжатлар тарғиботида ОАВнинг роли», «Тизим фаолиятини телевидение ва радио орқали ёритиш усуллари», «Ҳуқуқий мавзудаги материалларни сифатли ёритишда журналист маҳорати» мавзулари юзасидан тажрибали экспертларнинг маърузалари тингланди. Мазкур тадбирда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, тайёрланаётган материалларнинг ҳаммаси ҳам мазмун ва сифат нуқтаи назаридан етарли даражада мукаммал эмаслиги, аксариятида таҳлил етишмаслигига эътибор қаратилди.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш, ОАВдан унумли фойдаланиш, материаллар мазмундорлигини янада ошириш юзасидан мутахассисларнинг кўрсатма ва тавсиялари берилди.

Анжуман сўнгида ОАВ ва адлия идоралари ходимлари учун «Энг яхши телелавҳа», «Энг яхши мақола», «Энг яхши радиоэшиттириш» ва «Энг яхши Интернет материали» танловлари эълон қилинди.

**Ўз мухбиримиз**

АНЖУМАН

# Ҳуқуқий журналистика давр талаби

Мамлакатимизда кечаётган ҳуқуқий демократикислоҳотлар даврида ҳуқуқий журналистикани ривожлантириш ва малакали мутахассисларни тайёрлаш давр талабига айланмоқда.

Журналист кадрларнинг малакасини ошириш мақсадида 2008 йил 21 апрелдан Бош прокуратуранинг Олий ўқув курсларида прокуратура органлари муассислигидаги ҳуқуқий нашрларнинг журналист ходимлари учун «Ҳуқуқий журналистика: касбий кўникмалар ва тажрибалар» мавзусида ўқув машғулотлари бошланди.

Машғулотларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш мақсадида Олий ўқув курслари бошлиғи, юридик фанлари доктори Толибжон Умаров ва ўқитувчилар томонидан илмий-амалий дарслар олиб борилмоқда. Машғулотлар серқирра бўлишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати О.Ўсаров, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбарининг ўринбосари Ш.Тўраев, Республика Маънавият-тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Миллий телерадиокомпания шарҳловчилари Қ.Каримбеков ва М.Асқарова, республика газеталарининг бош муҳаррирлари ва Бош прокуратура масъул ходимларининг маърузалари тингланмоқда.

Машғулотларда прокуратура органларининг вазифалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолиятига ошкоралик беришда оммавий ахборот воситалари ва матбуотнинг роли, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш, ихтисослашган журналистикани ривожлантириш зарурати каби масалалар муҳокама қилинмоқда.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўзаро малака ва тажрибалари хусусида фикр алмашишмоқда. Олий ўқув курсларда ўтказилаётган машғулотларнинг таъсирчанлиги ва самарасини ошириш борасида тингловчилар билан кўргазмавий-амалий машғулотлар олиб борилаяпти.

Келгусида бундай машғулотлар ўз самарасини бериб, ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган журналистларга маёқ вазифасини ўтаса ажаб эмас.

**Ўз мухбиримиз**

# ЕРДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИЛЯПТИМИ?

Фарғона вилоят прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалигида ерларни фермер хўжаликлари, корхона ва муассасалар, фуқароларга берилишининг қонунийлиги ўрганилиб таҳлил қилинди. Аксарият ер эгалари ердан мақсадли фойдаланишяпти. Шу билан бирга ушбу соҳада қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. 29 та фермер хўжаликлари, 2 та бошқа корхоналар ердан унумли фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида қонунларга риоя қилишмаган.

Ерни фермер хўжаликларига бириктириш борасида ҳам қонун талаблари бузилган. Чунончи, Учкўприк туманида «Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатга ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом талабларига зид иш тутилиб, айрим фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли қурилиши тугалланган объектларнинг ҳужжатлари илова қилинмасдан фойдаланишга топшириш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Баъзи фермер хўжаликларига боғлар барпо қилиш, фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдонларини бириктиришда қонунбузилишига йўл қўйилган, аниқроғи қарорлар қабул қилинишига асос бўлган ҳужжатлар тегишли тартибда илова қилинмаган. Мисол учун туман ҳокимлиги қарорига кўра М.Деҳқонов номли ширкат хўжалигини тугатиш комиссиясининг қарорлари тасдиқланиб, 28 нафар фуқароларга фермер хўжаликлари ташкил этиш учун 554 гектар қўшимча ер майдонлари ажратиб берилган. Лекин, ушбу фермер хўжаликлари фаолиятининг турлари белгиланмаган, тугатиш комиссияси йиғилишлари қарорлари илова қилинмаган, ер майдонларининг унумдорлик баллари банитети кўрсатилмаган. Туман доимий комиссиясининг далолатномаси 1 йилдан сўнг тасдиқланган. Бу эса фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилишига тўсқинлик қилган.

«Ер кодекси»нинг 37 ва 41-моддалари талабларига зид равишда туман ҳокимининг қарори билан Чанг қишлоғида яшовчи Ғ.Мамажоновга тегишли 0,1 гектар томорқа ер майдони янги артезиан қудуғи ва ичимлик сув тармоғи қуриш учун ажратиб берилган. Ер майдони кимга ажратилгани кўрсатилмаган. Ғ.Мамажоновга бошқа ер майдони ҳавола этилмаган. Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаган.

Фуқаро А.Акбаровга 2000 йил ноябрь ойида ғишт цехи қуриш учун 1 гектар ер майдони ажратилган. Карьер бўлмагани сабабли 2007 йили туман ҳокими қарорига кўра 0,93 гектарида боғ барпо этишга рухсат берилган. Бироқ бунгача, 2000 йилги туман ҳокими қарори бекор қилиниб, ер туман захирасига қайтариб олинмаган. 7 йил мобайнида ушбу ердан нима мақсадда фойдаланилгани, солиқ тўловлари тўланган ёки тўланмагани аниқланмаган. Ер лойиҳаси тузилмаган, балл банитети кўрсатилмаган.

Туман ҳокимлигининг ерга оид масалалар билан шуғулланувчи мансабдорлари ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарашган. Риштон, Оқ ер, Бешкапа, Тўда, Оқ олтин, Зоҳидон қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Риштон шаҳрида 1990-1998 йилларда томорқа учун ер участкаси олган 126 нафар фуқаролар ҳозиргача қурилишни бошламаган бўлсалар-да, ушбу томорқаларни бошқа муҳтож фуқароларга олиб бериш масаласи кўриб чиқилмаган. А.Тўрақулов, Х.Мамараҳимов, А.Холиқоваларнинг томорқа учун ер сўраб берган аризалари туман Ер кадастр бўлими бошлиғи Н.Олимовга юборилган. 6 ойдан тортиб 1 йил мобайнида аризалар кўриб чиқилмаган, фуқароларга жавоб ёзилмаган.

Ўзбекистон тумани Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мансабдорлари Ғофур Ғулом номли ва «Нурсух» ММТПларнинг ҳудудларидаги 1,3 гектар ер майдонларини Бузуққўрғон ва Охта-Тагоб қишлоқларида яшовчи 14 нафар фуқароларга ҳеч қандай асоссиз бериб юборишган. Ҳозирда ўзбошимча мансабдорлар жиноий жавобгарликка тортилди.

Фарғона туманидаги Чимён ММТПда бошоқли донлардан бўшаган майдонларни шудгорлаш бўйича фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар бажарилмаган. Аслида шудгорланмаган 2562 гектар ер майдонлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган. Корхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бу борадаги қонунчилик ҳолати вилоятдаги тегишли идораларнинг раҳбарлари, масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, қонунбузилишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

**Баҳром ЖЎРАЕВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

# ЭНДИ ҚАДАМИНИ БИЛИБ БОСАДИ

«Сурхондарё озиқ-овқат моллари» ОТАЖ улгуржи базасига қарашли 52-дўконда сотувчи бўлиб ишлаб келаётган Абдулфайз Ҳодиев кунларнинг бирида нима бўлди-ю, нафсига эрк бериб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. У Қумқўрғон тумани «Ўзбекистон» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги бир неча маҳалла аҳолисига тарқатилиши лозим бўлган ун ва ўсимлик ёғининг бир қисмини эгаларига тарқатмай, ўзлаштириб юборди.

Маҳалла одамлари ҳам анойи эмас. Ҳалол луқмаларига чанг солган сотувчининг кирдикорларини фош этувчилар ҳам топилди. «Чўкирли» маҳалласида яшовчи фуқаролар унинг қилмиши ҳақида юқори инстанцияга шикоят хати йўлладилар.

Аниқланишича, 2007 йилнинг июль-август ойлари мобайнида вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан тасдиқланган дислокациялар асосида А.Ҳодиевга «Чўкирли», «Шерозий», «Исломобод» ва «Ғалаба» маҳаллалари аҳолисига тарқатиш учун 25,2 тонна ун ва 1,7 тонна ўсимлик ёғи берилган. Мутахассислар жалб қилиниб ўтказилган текширишда А.Ҳодиев 283 минг сўмлик 900 кг. ун ҳамда 390 минг сўмлик 300 кг ўсимлик ёғини ўзлаштиргани маълум бўлди.

Прокуратуранинг аралашуви билан юлғич томонидан етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланиб, юзлаб фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Хўш, А.Ҳодиевга нисбатан қандай жазо қўлланилди? Кечиримлилик тамойилига амал қилинган ҳолда унинг қилмишидан пушаймонлиги ҳамда зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги ҳисобга олинди. Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қўлланилиб, жиноят иши қўзғатишни рад этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Абдулфайзвой бундан буёғига қадамини билиб босса ажаб эмас.

**Хушмамат БЕКМУРАТОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори**

***Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ана шу умр давомида элнинг назарига тушиб, ҳалол яшаб ўтиш инсоннинг ўзига боғлиқ. Ножўя қилинган биргина қадам одамни эл орасида бебурд қилиб қўйиши ҳеч гап эмас.***

# ЎЗГАЛАР СОҒЛИҒИ ҲИСОБИГА



Қизилтепалик Баҳрон Муҳаммедов ана шу куйга тушди. У уйида чигитдан ёғ тайёрлаб тумандаги бозорларда сотиб юрарди. Мўмай даромаддан босар-тусарини билмай қолган Баҳронни ҳатто қўни-қўшнилари бир неча марта огоҳлантирди. Унинг бу ишлари қонунга зидлигини қишлоқ оқсоқоллари айтганида ҳам уларнинг гапини бир тийинга олмади. Туман ДСИ ва электр тармоқлари корхонаси ходимлари ҳамкорликда тадбир ўтказганда Баҳроннинг фаолияти фош қилинди. Уйидан 300 килограмм чигит, 86 кг. ёғ ва қўлбола мойжувоз топилди. Текширишда туман электр тармоқлари корхонасига 133,7 минг сўмлик зарар етказгани аниқланди. Чунки у яширин цехини ўзбошимчалик билан электр тармоғига улаб олганди. Юқоридаги ҳолат юзасидан Баҳрон Муҳаммедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ёши салкам элликни қоралаётган 6 нафар фарзанднинг отаси Баҳронни техник чигитдан тайёрланган ёғ инсон учун зарарлигини яхши билмайди десак, хато қилган бўламиз. Чунки буни у жуда яхши билади. У ўзи тайёрлаган ёғни рўзғорида фойдаланмай, уни бозорда сотади.

Туманимиздаги «Эл обод» қишлоғида яшовчи Комил Тешаев ҳам техник чигитдан ёғ тайёрлашнинг ҳадисини олганлардан чиқиб қолди. Текширишда у ҳам ўзининг уйида яширинча ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб юргани маълум бўлди. Суриштирув давомида ўзбошимчалик билан туман электр тармоғига уланиб, ҳатто бу корхонага 585,5 минг сўм зарар етказганлиги маълум бўлди. Текширишдан сўнг Комил Тешаевдан 1 млн. 535,5 минг сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳақли савол туғилади. Яширин цехлар фаолияти ривожига кимлар «ҳисса» қўшмоқда? Албатта ўзимиз. Ахир сифатсиз маҳсулотлар арзонлигига учиб уни сотиб олаётган, истеъмол қилаётган сизу бизга ўхшаган инсонлар-ку! Яна бир муаммо: бозорлардан «арзон ёғ сотиб олдим» дея хурсанд бўлиб ўзимиз ва фарзандларимиз соғлиғига путур етказаётганимизни унутмаслигимиз керак. Соғлиқни эса пулга сотиб олиб бўлмайди.

**Р.ЖАББОРОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қизилтепа туман бўлими бошлиғи**

# НАЗОРАТ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

**Юртимизда Фориш туманини билмайдиган инсон бўлмаса керак. Бунинг учун машҳур «Чинор остидаги дуэль» бадиий фильмини эслашнинг ўзи кифоя. Туманимизнинг географик жиҳатдан жойлашиши ҳам ўзгача. Ҳудуди 9,54 минг кв. км. Бу Жиззах вилояти ҳудудининг 43 фоизи демакдир. Туман шимол ва шимоли-шарқдан Қозоғистон Республикаси, ғарбдан Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Туман марказидан Дарбоз аҳоли пунктигача 274 км. масофани босиб ўтиш керак бўлади. Далиллардан кўриниб турибдики, туман аҳли билан юзма-юз мулоқотлар уюштиришда ҳам муаммолар йўқ эмас.**

Энди бевосита фаолиятимиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 4 та текшириш ўтказилди. Натижасига кўра, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тегишли идораларга 8 та тақдимнома киритилди.

Хусусан, «Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун ижросининг аҳволи юзасидан туман марказий шифохонасида текшириш ўтказилганда, шифохона хазиначиси Ш.Тўраев 1 млн. 116,5 минг сўм хазина пулини шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлиги аниқланди. Унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Туманимизда чорвачилик асосий соҳалардан бири ҳисобланади. Афсуски, қонунбузарликларнинг асосий қисми ҳам ана шу соҳага тўғри келмоқда. Жумладан, тумандаги «А.Еримбетов» ширкат хўжалиги бош чўпони А.Раҳимжонов 658 бош майда шохли молларнинг камомадига йўл қўйган бўлса, ширкат хўжалиги яна бир бош чўпони М.Аҳметов 641 бош майда шохли молларни сотиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган.

Қайд этилган ҳолатлар бўйича чўпонлар А.Раҳимжонов ва М.Аҳметовларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Туманимизда 75 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. 1 та мактаб-интернати, 4 та коллеж, 70 та умумтаълим мактабида ёшларимиз таълим олишмоқда. Улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам бир қатор самарали ишлар қилинмоқда.

Вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан жорий йилда ўтказилган 5 та текшириш натижасига кўра, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тегишли идораларга 6 та тақдимнома киритилди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида 1 нафар шахс огоҳлантирилиб, 11 нафар шахс интизомий, 6 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан туман прокуратураси томонидан бу борада ишлаб чиқилган дастурлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларни ватанпарварлик руҳида, соғлом ва ақлли қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёслигини яхши биламиз. Шу боис туман прокуратураси, ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилиб, болаларнинг спортга бўлган қизиқиши рағбатлантирилиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида туманда миллий халқ ўйинлари фестивали ўтказилди.

Тумандаги 30-умумтаълим мактаби жамоаси эса вилоятда ўтказилган миллий халқ ўйинлари фестивалида биринчи ўринни қўлга киритиб, жорий йилнинг 28-30 апрель кунлари Бухоро шаҳрида ўтказиладиган республика халқ ўйинлари фестивалида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Туман прокуратураси томонидан кўп йиллардан буён «Бекпўлат» таэквондо спорт клубига яқиндан амалий ёрдам бериб келинмоқда. Бугунги кунда мазкур спорт клубида 250 нафардан зиёд туман ёшлари спорт билан шуғулланмоқда. Мақсадимиз ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларида амалий ёрдам кўрсатишдир.

**Рашид АБДУҒАНИЕВ,**
**Фориш туман прокурори**

## САҲИФАМИЗДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАМЗА ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Истиқлол йилларида юртимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида тубислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу жараён суд-ҳуқуқ тизимида ҳам янги даврни бошлаб берди. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг кенг кўламли дастури ишлаб чиқилди.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш ва албатта, ҳуқуқни ҳимоялаш функцияларини кучайтиришни вақтнинг ўзи тақозо этди.

Маълумки, судларда прокурор иштирокининг таъминланиши ижтимоий адолат тамойилига мос бўлиб, бунда давлат ва жамият манфаатларининг бирдай муҳофаза қилиниши муҳим омил саналади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 22-сонли буйруғига асосан фуқаролар, корхона ва ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда прокурор ваколатини таъминлаш, судларнинг қонунга зид қарорлари устидан протест келтириш прокурор фаолиятининг асосий вазифаларидан деб белгиланган.

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мазкур соҳада ишларни ташкил этишнинг муҳим мезони ҳисобланади. Бу борада Ҳамза туман прокуратураси томонидан ҳам бир мунча ижобий ишлар амалга оширилган.

Жумладан, ўтган 2007 йилда Ҳамза тумани миқёсида Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида 15 минг 370 та фуқаролик иши кўрилган бўлиб, уларнинг 10 минг 110 тасида, яъни 65,7 фоизида прокурор иштироки таъминланди. Шундан 5141 та иш туман прокурори ва унинг ўринбосари иштирокида кўрилган. Фуқаролик ишлари бўйича 14 минг 703 та қарор чиқарилган ва улардан 10 минг 110 тасида прокурор иштироки таъминланган. Шунингдек, ўтган йилнинг 12 ойи давомида суд томонидан кўрилган 5260 та иш апелляция тартибида ўрганиб чиқилиб, 41 та апелляция, 27 та кассация ва 5 та хусусий тартибда протест киритилган.

Туман прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига 2007 йилда 695 та 143 млн. 591 минг сўмга даъво аризалари киритилган бўлиб, мазкур аризаларнинг барчаси қаноатлантирилиб, ҳақиқий ундирилган сумма 100 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида Ҳамза тумани бўйича 2092 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, шундан 614 таси туман прокурори ва прокурор ўринбосари иштирокида кўрилган. Қолган 910 та фуқаролик ишларида прокурор ёрдамчиси иштироки тўлиқ таъминланган.

**Туман прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига 2007 йилда 695 та 143 млн. 591 минг сўмга даъво аризалари киритилган бўлиб, мазкур аризаларнинг барчаси қаноатлантирилиб, ҳақиқий ундирилган сумма 100 фоизни ташкил этди.**

Шунингдек, жорий йилнинг 3 ойи давомида суд томонидан кўрилган 568 та иш апелляция тартибида ўрганиб чиқилиб, 8 та апелляция, 5 та кассация ҳамда 1 та хусусий тартибда протестлар киритилган. Алоҳида тоифадаги ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган.

Шу ўринда жорий йилнинг 12 февралида туман прокурори томонидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига вояга етмаган К.Давлятова манфаатларини кўзлаб киритилган даъво аризасини мисол келтириб ўтсак. Унга кўра, жавобгар Г.Маннапов турмуш ўртоғи вафот этгач, 1997 йилда туғилган фарзанди К.Давлятованинг тарбияси билан умуман шуғулланмай қўйган. Ичкиликка ружу қўйган ота фарзанд тарбияси ва таъминоти билан шуғулланиш ўрнига уни кўчага ҳайдаган. Тарбиядан, оиладан мосуво бўлган қизалоқ мактабга қатнамай, дайдиларча ҳаёт кечириш йўлини танлаган. Суд туман прокурорининг даъвосини қаноатлантирди. Г.Маннаповни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан бирга вояга етмаган К.Давлятова фойдасига алимент ундириш, уни «Меҳрибонлик уйи»га жойлаштириш, шунингдек, ўз уйидан вояга етгунига қадар фойдаланиши ҳақида қарор қабул қилди.

Туман прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига биринчи чоракда 101 та 45 млн. 316 минг сўмга даъво аризалари киритилган бўлиб, мазкур аризаларнинг барчаси қаноатлантирилган.

Ушбу соҳада қайд этилган кўрсаткичларга эришишда ўз навбатида туман прокуратурасида судларда прокурор иштирокида кўрилган, прокурор иштирокисиз кўрилиб, апелляция ва кассация протести келтирилган ишлар ҳамда прокурорнинг даъво аризалари асосида қўзғатилган ишларнинг барчаси бўйича назорат ишлари юритилганлиги ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган. Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларига жиддий эътибор қаратиб келинаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.



Жиноят ишлари бўйича судларда прокурор иштирокининг таъминланиши прокуратура органлари зиммасидаги масъулиятли вазифалардан саналади. Шу маънода, Ҳамза туман прокуратураси томонидан жиноят ишлари бўйича туман судида прокурор иштирокини таъминлаш соҳасига ҳам доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган 2007 йилда 831 та жиноят иши кўрилган бўлиб, уларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган. Бу даврда кўрилган оғир ва ўта оғир тоифадаги 156 та жиноят ишининг барчасида прокурор иштироки таъминланди.

Судларнинг ноқонуний бўлган ҳукмларига апелляция тартибида 31 та протест киритилган бўлиб, улардан 30 таси қаноатлантирилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам мазкур йўналишдаги фаолиятимиз самарали бўлди дейиш мумкин. Ўтган уч ой давомида жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан 244 нафар шахсга нисбатан 201 та жиноят иши кўрилган бўлиб, уларда прокурор иштироки 100 фоиз таъминланди.

Умумий тарзда айтадиган бўлсак, Ҳамза туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш асносида қонун устуворлиги, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига муносиб улуш қўшиб келинмоқда.

**Геннадий ДАВЛЕТОВ,**
**Ҳамза туман прокурорининг ўринбосари**

# ҚИНҒИР ИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ

**Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилгани, ишбилармонлар фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари йил сайин такомиллаштирилиб борилиши улар учун имконият эшикларини очмоқда. Ишнинг кўзини билган тадбиркорлар кун сайин бойиб, хорижлик ҳамкорлари билан алоқа ўрнатиб, ўз маҳсулотларини хорижга сотмоқда. Хориждан эса замонавий, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган ускуналар сотиб олиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.**

Аммо, ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятларни суиистеъмол қилиб, ноқонуний йўллар билан даромад топиш илинжида бўлган айрим «тадбиркор»лар қинғир ишлари билан ҳалол меҳнат қилиб, эл дастурхонини обод қилаётган тадбиркорлар шаънига доғ туширмоқда. Бундай «тадбиркор»ларнинг фаолиятини фош қилиш, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Ҳамза тумани бўлими томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида бўлим ходимлари томонидан 11 та жисмоний ва 6 та юридик шахслар фаолияти юзасидан жами 17 та тезкор тадбир ва текширув ҳаракатлари амалга оширилган бўлиб, аниқланган ҳуқуқбузилишлар бўйича 16 та жиноят иши қўзғатилди.

Ҳисобот даврида амалга оширилган тадбирлар давомида бюджетга жами 429,7 млн. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, шундан 211,5 млн. сўми ундирилиши таъминланди. Амалга оширилган тадбирлар давомида давлат манфаатларига етказилган жами 9 млн. 554,8 минг сўмлик зарар тўлиқ ундириб олинган.

Шарқ бозорларидаги тўкинлик азалдан дунё халқларининг эътиборини тортиб келган. Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан бозорларга эътибор яна кучайди. У ерларда минглаб тадбиркорларимиз фаолият кўрсатмоқда. Бироқ уларнинг барчасини қонунга амал қилиб фаолият кўрсатаяпти, дея олмаймиз. Бунга туманимизда мавжуд «Авиасозлар» ва «Паркент» бозорлари фаолияти ўрганилганда ҳам ишонч ҳосил қилдик. Туман ҳудудида ҳукумат қарорлари ижроси, жумладан акциз маркасиз спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ноқонуний савдосининг олдини олиш юзасидан ўтказилган тезкор тадбирларда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 3 та жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан жами 821,6 минг сўмлик тамаки ва 674 минг сўмлик спирт маҳсулотлари олиб қўйилган. Шунингдек, 5 та ҳолатда туман ҳудудида республика ҳудудига ноқонуний олиб кирилган импорт товар моддий бойликлар савдосини амалга ошираётган субъектлар аниқланган бўлиб, жами 47 млн. 154,1 минг сўмлик ТМБлар олиб қўйилди.

Ўтказилган тадбирлар давомида, туман ҳудудида ноқонуний равишда, давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин цех фаолиятини юргизиб келаётган 2 та ҳолатда шахслар аниқланиб, улар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, жами 578,0 минг сўм миқдорида ТМБлар олинган.

Бўлим томонидан 3 ой давомида жами 48 млн. 649,7 минг сўмлик ТМБлар, валюта ва пул қимматликлари олиб қўйилган.

Ҳисобот даврида қўзғатилган 16 та жиноий ишларнинг 2 таси солиқ идоралари материали асосида бўлиб, улар бўйича ҳам суриштирув ҳаракатлари олиб борилиб, туман прокуратурасига юборилган.

Нақд пулнинг банкдан ташқари айланиши мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида ОАВларда ҳар куни мутахассислар чиқиш қилмоқда. Бу ҳақда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинган. Қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан мунтазам тадбирлар ўтказиб турилмоқда. Жумладан, «Федал АРД» МЧЖ фаолияти ўрганилганда, бу жамиятдаги сирли ишлар фош қилинди. Жамият ҳисоб рақамидан 762 млн. 521,6 минг сўм товарларни ўз ҳисоб-рақами орқали амалга ошириб, харид қилинган қурилиш моллари, жумладан 30 млн. сўмлик цемент маҳсулотларини «Ўриксор» бозорида нақд пулга сотиб юбориб, ушбу пулларни арзон нархларда қурилиш моллари сотиб олишга, ёлланган ишчилар иш ҳақига ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб, тушган нақд пулни банкка инкассация қилмаган. Текширишда Жамият раҳбари А.Ардишева 2007 йил давомида қурилиш ишлари ва қурилиш молларини сотиб олиш учун тўлаб берган маблағлар ҳисобидан шартнома тузган ташкилотларидан маҳсулот олмасдан (ишлар бажармасдан), ўрнига 80-85 фоиз ҳисоблаб, нақд пул олганлиги, яъни товарсиз операцияларни амалга оширганлигини маълум қилган.

Ўтган йил давомида топширилган ҳисоботларга кўра, жамиятда 2 та ходим фаолият юриттан, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар норасмий жалб қилинган ишчилар ҳисобидан бажарилиб, уларнинг иш ҳақлари (банкдан ташқари айланма маблағ ҳисобидан ҳосил бўлган) нақд пул кўринишида тўлаб берилган. Жамият раҳбари А.Ардишева, «Тошқишлоқмаш» ОАЖ раисининг 1-ўринбосари А.Мақсудов билан келишиб, «Тошқишлоқмаш» ОАЖ ғазнасига 2 млн. 500 минг сўм нақд пулларни топшириб, жуда арзон нархларда 7966 кг. 3 млн. 353,2 минг сўмлик олдин ишлатилган металл маҳсулотларини харид қилиб, 1 млн. 500 минг сўм «иқтисод» қилгани маълум бўлди. Ҳозирги кунда жамият «Тошқишлоқмаш» ОАЖдан 853,2 минг сўм муддати ўтган дебитор қарзи мавжудлиги аниқланди. Жамият бухгалтерия ҳисоботи амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилмаган ҳолда юритилиши оқибатида жамиятнинг 2007 йил 2-ярим йиллиги ҳисоботларига жами 613.636,4 минг сўмлик ялпи тушум киритилмай, солиқ органларига йиллик ҳисоботлар тақдим этилмасдан 119.611,0 минг сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товланганлиги аниқланди.

**Шерзод МУЗАФАРОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Ҳамза туман бўлими бошлиғи**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165,182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 312-модда, №12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №9, 498-модда, №10, 536-модда, №12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, №4, 158, 159, 164, 165-моддалар, №9, 416, 421-моддалар, №12, 596, 604, 607-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **34-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Башарти, шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг $188^1$ -моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда асосий жазога содир этилган ҳуқуқбузарликлардан исталган биттаси учун жавобгарлик тўғрисидаги моддаларда назарда тутилган қўшимча жазо чораларидан бири қўшилиши мумкин»;

2) қуйидаги мазмундаги **$47^1$** ва **$47^2$-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«$47^1$-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар бериш —

мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$47^2$-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш**

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **188-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги **$188^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$188^1$-модда. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш**

Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **245-модданинг биринчи қисми** «47» рақамидан кейин «$47^1$, $47^2$» рақамлари билан, «187-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин эса «188, $188^1$-моддаларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **246-моддадаги** «188» рақами чиқариб ташлансин;

7) **247-моддадаги** «47,188-моддаларида» деган сўзлар «47-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **248-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «188-моддаси (вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга тааллуқли ишлар бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми 1-бандидаги** «188» рақами чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, №1, 8-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, №4, 157-модда) **149-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқаролар болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва бунда боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик, шунингдек, бундай болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муассасаларнинг раҳбарлари ва органларнинг мансабдор шахслари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади».

**5-модда.** Ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 16 апрель
№ЎРҚ — 153

# Матонат мактаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мен Фарғона туманининг Чимён қишлоғиданман, — деди Музаффар Саидаҳмедов. — Қишлоғимиздаги 2-лицейда таълим олдим. Сўнгра Фарғона Давлат университетининг физика-математика факультетида ўқиб бакалавр даражасига эришдим. Жон деб йигитлик бурчимни адо этгани кетяпман. Армия ўзига хос катта ҳаёт мактаби...

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни манзилга етказиб бориш учун мамлакатимизнинг турли вилоятларидаги ҳарбий қисмларнинг вакиллари ташриф буюришган.

— Қисмимизда муддатли ҳарбий хизматни ўташ, ҳарбий иш асосларини эгаллаш учун барча шароитлар муҳайё, — деди Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳридан келган майор Фарҳоджон Очилов. — Бир йил мобайнида йигитлар замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланишни ўрганиш билан бирга маънавий ва жисмоний тобланишади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, хизматни давом эттириш истагида бўлган йигитлар контракт асосида беш йил муддатга танлаб қабул қилинадилар. Беш йилдан кейин контрактни яна муайян муддатга узайтириш мумкин.

Шундан сўнг, офицерлар йигитларни қайта сафлантиришади. Саф рўпарасига йигитларни кузатгани келган яқинлари тизилишади. Мамлакатимиз гимни янграйди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Ҳ.Камолов Шарқий Ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, полковник Р.Қодировга сўз беради:

— Ватан олдидаги фуқаролик бурчларингни адо этгани отланяпсизлар. Ҳарбий хизматда, мардлик, матонат мактабида ҳар томонлама чиниқасизлар. Жанговор тайёргарлик асосларини эгаллайсизлар. Қисмларимиз замонавий қурол-аслаҳалар, энг сўнгги компьютер технологиялари билан жиҳозланган. Ҳарбий иш асослари, метин интизом кейинги ҳаётларингизда ҳам асқотади.

Шундан сўнг сўзга чиққан вилоят ҳокимлиги ходими Ж.Деҳқонов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимидан ташриф буюрган О.Ҳакимов, ота-оналар номидан сўз олган Дангара туманилик Н.Эсонова йигитларни ҳарбий иш сир-асрорларини пухта эгаллашга, эл-юрт ишончига муносиб бўлишга даъват этдилар. Фарғона Давлат университетининг битирувчиси, риштонлик Н.Бекмирзаев ҳарбий хизматга отланган йигитлар номидан Ватан мудофаасига шай туриш асосларини пухта эгаллаб, юксак ишончни оқлашга сўз берди. Чақирилувчи йигитларга вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди.

— Жияним Элбек Салимовни кузатгани келгандим, — деди Фарғона шаҳрилик Эргашали Отажонов. — Бизни ҳам бир пайтлар ҳарбий хизматга кузатишган. Лекин, бу каби ҳамма чақирилувчиларни бир хилда спорт кийимлари билан кийинтириш, совғалар улашиш, йўлга бадал пуллари тарқатиш, тантанали маросимдан кейин дастурхон тузаб кузатишни тушимизда ҳам кўрмаганмиз. Бир қарашда арзимасдай туюлган эътибор ҳарбий хизматга жўнаётган йигитларни руҳлантиради, масъулият ҳиссини кучайтиради.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

# Оила — муҳим тарбия маскани

Юртимизни ҳақли равишда Ёшлар мамлакати дейиш мумкин. Балки бунга эътироз билдирарсиз. Агар шундай бўлса, атрофга боқинг. Кўча-кўйда, транспортда кўпроқ ёшларга дуч келасиз. Ўқиб-ўрганаётган, жамият ҳаётимизда жавлон уриб меҳнат қилаётганларнинг ҳам аксарияти навқирон авлод — ёшлар. Демак, аҳолисининг қарийб 70 фоизини ёшлар ташкил қиладиган мамлакатни шундай деб аташга минг карра ҳақлимиз. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш эса мана шу давлатнинг биринчи галдаги вазифасидир. Буни яхши англаган ҳукуматимиз ёшлар, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилаяпти. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» дея номланиши эса бу эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Назаримда, ёш авлоднинг баркамол камол топишида биринчи навбатда оиланинг ўрни жуда муҳимдир. Солиҳ оилада вояга етган фарзанд келажакда давлати, юрти учун нафи тегадиган керакли инсон бўладиган бўлса, носоғлом оилада тарбияланган(агар у тарбияланган бўлса) фарзанд жамият учун хавфли одамга айланиши бор ҳақиқатдир.

Ёшлигимда бир ўртоғимга жуда ҳавас қилардим. Отаси шофёр бўлса-да, ўғилларининг ўқишига жуда катта эътибор берар, нима кам-кўсти бўлса ҳаммасини тўлдиришга ҳаракат қиларди. Бир куни у киши янги, махсус йиғиладиган ўқувчилар стол-стулини олиб келди. Уни ўртоғимнинг хонасига жойлаб, «яхши ўқисанг, бундан ҳам зўрларини олиб келиб бераман» деди. Ўша пайтда ўртоғимнинг ўрнида бўлиб қолишни жуда-жуда хоҳлагандим. Лекин йиллар ўтиб ўртоғим яхши ўқиш тугул, мактабни ҳам тузукроқ битиролмади. Биронта ўқишга киришни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Бироз вақт ўтиб эса ўғирлик қилиб қамалди. Полвонкелбатли отасининг қаддини дол қилиб, ғам-ғуссага ботирди. Энди ўйлаб кўрсам, ўртоғимнинг отаси тарбияга нотўғри ёндашган экан. У болаларининг ўқиб-ўрганишлари учун ҳамма имкониятни яратибди-ю, ўзи бунга ўрнак бўлмаган экан. У киши ўша пайтлари кўпчилик учун ҳавас бўлган видеомагнитофон олиб келган, бўш қолди дегунча ётиб олиб томоша қилишни канда қилмасди. Мабодо ўғиллари кириб қолса, уларни «дарсингни қил», деб чиқариб юборарди. Лекин у ишга кетди дегунча видеомагнитофон ўғилларининг севимли машғулотига айланиб қоларди...

Бир сўз билан айтганда, қуш уясида кўрганини қилади. Сиз оилада қандай бўлсангиз, фарзандингиз ҳам шундай тарбия кўради.

**Фирдавс УМАРОВ,**
**СамДУ талабаси**

# Ёшлар гиёҳвандликка қарши

Инсоният олдида турган энг долзарб ва оғриқли муаммолардан бири ёшлар орасида гиёҳвандликнинг тарқалиб бораётганлигидир. XX асрда вабо сингари тарқала бошлаган гиёҳвандлик балоси энди дунёнинг барча мамлакатларига таҳдид сола бошлади.

Аслида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш одамларга кўп асрлардан буён маълум бўлса-да, у замонларда ҳозиргидай муаммо саналмаган. Бугунги кунга келиб эса бу оғу миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритаётганлиги, халқаро терроризмнинг тегирмонига сув қуяётганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Энг ташвишли жиҳати, унинг домига илинаётганларнинг аксари ёшлардир. Муаммо долзарблигини ҳис қилган инсоният ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқа бошлади. Гиёҳванд моддалар жиноятларнинг дояси, СПИД ва бошқа юқумли касалликлар тарқалишининг асосий омили ҳисобланади. Айнан гиёҳвандлар ҳисобига СПИД деган дардибедаво МДҲ мамлакатларига ҳам ёйила бошлади.

Маълумки, барча давлатлар қонунчилигида гиёҳвандлик воситаларини етиштириш, ишлаб чиқариш, сотиш, тарқатиш ва ҳатто истеъмол қилиш учун қаттиқ жиноий жазолар белгиланган. Инсоният цивилизациясининг бугунги хулосалари шуни кўрсатмоқдаки, барча ғайриижтимоий муаммолар олдини олишдаги энг самарали ва синалган усул жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Хусусан, гиёҳвандликка қарши кураш борасида ҳам. Тадқиқотчиларнинг фикрича, соғлом турмуш тарзи тарғиботи ёшлар орасида гиёҳвандликка мойил муҳитнинг барҳам топишида катта ўрин тутади.

Бундан ташқари, ёшлар ахлоқига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳит, шахсларга нисбатан назорат кучайтирилиб, оила-маҳалла-ўқув муассасаси-ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш керак. Асрлар мобайнида шаклланиб ва сайқалланиб келган миллий қадриятларимизга мурожаат этиб, маънавиятимизга бегона таъсирларга вақтида жавоб қайтариш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз шарт. Эътироф этиш жоиз, юртимизда ёшлар ва вояга етмаганлар масаласи устувор вазифалардан саналиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг замонасининг илғор вакиллари бўлиб камол топиши борасида кенг қамровли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

Бугунги ёшларимиз гиёҳвандликка қарши. Уларни қўллаб-қувватлаш, уларга далда бўлиш катта авлод зиммасидаги масъулиятдир.

**Дилора ШОДМОНХОДЖАЕВА,**
**Тошкент Юридик коллежи ўқитувчиси**

# Меҳнат самарасиз кетмас

***Инсон дунёга келганидан буён доим меҳнат қилиб келади. Ана шу меҳнати самараси туфайли у моддий манфаат топиб, ўзи ва оиласининг турмуш фаровонлигини таъминлайди. Деновлик Рустам Эшонов ҳам ана шундай инсонлардан бўлиб, суяги меҳнатда қотганлардан. У 1980 йили тумандаги А.Хидоятов номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги ташландиқ ҳолда ётган бир гектар ер майдонини ижарага олиб, бир қанча узум навларини экиб етиштиради. Йигирма олти йил давомида мазкур майдонда узум етиштириб, режани ортиғи билан бажариб, ҳам ўзига, ҳам давлатга наф келтиради. Лекин у бир кун келиб шунча йиллик меҳнатлари, деҳқончиликда орттирган тажрибаси иш бермай қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди.***



Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бу жараён албатта Р.Эшонов меҳнат қилиб келган А.Хидоятов номли ширкат хўжалигини ҳам четлаб ўтмади. Мазкур жараён бошланган илк пайтлардаёқ Р.Эшонов биринчилар қаторида фермер бўлиш истаги билан чиқди. Шу мақсадда у махсус комиссия томонидан 2007 йилнинг январь ойида ташкил этилган аукционда қатнашиб, битта боғни 6 млн. 390 минг сўмга сотиб олади. Пулни тўлаш учун у комиссия раисига мурожаат қилиб, тўловни амалга оширишни сўрайди. Аммо комиссия раиси ҳар сафар турли сабабларни баҳона қилиб, вақтни чўзиб юраверади. Р.Эшонов аукционда расман сотиб олган, бу ҳақда аукцион баённомасининг нусхаси ҳам берилган бўлишига қарамасдан нима учун комиссия раиси бундай қилаётганининг сабабини тушунмай анча сарсон бўлади. Бироз вақт ўтиб, мазкур боғ П.Сафаров исмли шахсга 713 минг 578 сўмга сотиб юборилганлиги маълум бўлади. Бу ҳақда Р.Эшонов хабар топгач, қонуний ҳуқуқларини тиклаб бериш учун судга мурожаат қилишдан ўзга чора топмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди даъвогарнинг мурожаатини кўриб чиқиб, унинг талабини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорга кўра, А.Хидоятов номли ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 20 январдаги Р.Эшонов ва 2007 йил 9 мартдаги П.Сафаров номига берилган ғолиблик баённомаси ҳақиқий эмас деб топилиб, қайта ташкил этиш комиссиясига мазкур лойиҳа бўйича ким ошди савдосини қайта ўтказиш юклатилади.

Суднинг 2007 йил 26 июлдаги қўшимча ҳал қилув қарори билан Денов туман ҳокимининг 1-84 лойиҳа бўйича 2007 йилнинг 10 мартидаги П.Сафаров номига берилган қарори бекор қилинади. Аммо биринчи инстанция судининг ушбу қарорлари вилоят судининг апелляция инстанцияси томонидан кўриб чиқилганда улар бекор қилиниб, даъвогар Р.Эшоновнинг талабини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинади. Ишнинг кутилмаганда бундай тус олиши Р.Эшоновнинг барча умидларини пучга чиқаради. Шундан сўнг у узоқ кутмасдан прокуратурага мурожаат қилади. Унинг шикояти иш материаллари билан бирга ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам даъвогарнинг талабини қаноатлантиришга асос борлиги аниқланди. Чунки, суд ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, холисона аниқлаш чораларини кўрмасдан ФПКнинг 15 ва 57-моддалари талабларини тўлиқ бажармаган.

Апелляция инстанцияси суди даъво талабини рад этишда махсус комиссиянинг 2007 йил 20 январдаги баённомасида сотилган объект учун тўлов 15 банк куни ичида тўланиши лозимлигини, комиссия раиси А.Рўзиев 2007 йилнинг 12 ва 26 февралида огоҳлантириш берган бўлса-да, Р.Эшонов томонидан низоли боғнинг пули тўланмаганлигини асос қилиб кўрсатган. Ваҳоланки, апелляция инстанцияси суди махсус комиссия раиси А.Рўзиев Р.Эшоновни низоли боғ учун пул тўлаш ҳақида қонун талабларига мувофиқ огоҳлантирмаганлиги, мавжуд огоҳлантириш бланкаларида Р.Эшоновнинг имзоси йўқлиги ҳолатига баҳо бермасдан, махсус комиссиянинг низоли боғ бўйича ўтказилган ёпиқ ким ошди савдоси ғолиблик баённомасини бекор қилган.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006 йил 18 январдаги 13-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)нинг боғ ва узумзорларини сотиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 32-бандига кўра, ким ошди савдоси қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилингандан сўнг махсус комиссия қарорига мувофиқ қайтадан эълон қилиниши ва ўтказилиши, ким ошди савдоси шартномасини бекор қилиш махсус комиссия ваколатига кирмаслигига суд эътибор бермаган. Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмидаги тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, шунингдек мазкур кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатилган бўлса-да, махсус комиссия томонидан ким ошди савдоси фақат суд орқали бекор қилиниши лозимлиги инобатга олинмаган.

Махсус комиссия йиғилишининг 2007 йил 1 февралдаги 16-сонли баённомасида ҳам Р.Эшонов 2007 йилнинг 20 январида низоли боғ бўйича ўтказилган ким ошди савдосида ғолиб деб топилиб, мазкур қарор бекор бўлмаса-да, нима сабабдан ғолиблик рўйхатига қўшилмаганлиги ҳолати суд томонидан текширилмаган. Бундан ташқари, Р.Эшоновнинг даъво аризаси, судда берган кўрсатмалари, шикоятларида низоли боғ пулини бир неча бор олиб борганлигини, лекин комиссия раиси А.Рўзиев ғазначи йўқлигини айтиб қайтариб юборганлигини, боғни ўзига қолдириб, ким ошди савдоси ғолиблик баённомасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб, яъни даъво талаблари бир-бирига қарама қарши бўлса-да, суд томонидан унинг важи текшириб кўрилмаган. Шунингдек, фуқаролар И.Мустанов ва С.Каримовлар тушунтириш хатларида Р.Эшонов ким ошди савдосида ғолиб бўлганидан сўнг хўжалик идорасида пулни тўлаш учун бирга борганликларини, лекин ғазначи Р.Эшоновнинг пулини олмасдан комиссия раиси А.Рўзиевга учрашиши кераклигини, пулнинг ҳаммасини тўлаш учун эса ҳали вақт борлиги сабабли кейинроқ тўлиқ қилиб олиб келиши мумкинлигини айтганлигини билдиришган. Комиссия раиси А.Рўзиев эса биринчи инстанция судида Р.Эшонов низоли боғ пулини 15 банк кунида эмас, 16-куни олиб келган, деб кўрсатма берган. Гарчи, шартнома бўйича пулнинг тўлов муддати 15 банк иш куни бўлиб, у 2007 йилнинг 9 февралида тугаган бўлса-да, лекин Р.Эшонов шу пайтда пулни олиб борганлиги, комиссия раиси А.Рўзиев томонидан кўрсатилган муддатлар огоҳлантиришда 2007 йилнинг 2 мартига қадар узайтирилганига баҳо берилмаган. Фуқаролик кодексининг 380-моддаси 8-қисмида ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади деб кўрсатилган. Аммо суд Р.Эшоновнинг мазкур модда талабини қисман бажарганлигига эътибор бермаган. Қолаверса, ФКнинг 380-моддаси 9-қисми ва юқорида тилга олинган Низомнинг 26-бандида ўтказилган аукцион хусусида тузилган 3 нусхадаги баённома комиссия раиси ва аъзолар томонидан имзоланиши, мазкур баённома шартнома кучига эга бўлишлиги, баённоманинг 1 нусхаси ғолибга, 2-нусхаси туман ҳокимиятига ва 3-нусхаси ким ошди савдоси йиғма жилдига тикилиши кўрсатилган. Бироқ, туман ҳокимлигига бу баённоманинг нусхаси эмас, балки П.Сафаровга сотилганлиги ҳақидаги баённома нусхаси юборилиб, туман ҳокимининг қарори чиққанлигига баҳо берилмаган. Олий Суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарори талабларига кўра, ким ошди савдоларининг ўтказилиш қоидаларининг бузилганлиги ким ошди савдоси натижаси юзасидан тузилган олди-сотди шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади. Бунда суд битимни ФКнинг 116-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топиши қайд этилган. Мазкур қарор талаблари эса суд жараёнида инобатга олинмаган. ФПКнинг 312-моддаси 1-қисми талаби бўйича иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар аниқланмаганлиги, суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган ҳужжатларнинг иш ҳолатларига мос келмаслиги, моддий ҳуқуқ ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги суд қарорини Бош прокуратуранинг протести асосида бекор қилинишига ва иш юзасидан янгидан қарор қабул қилинишига асос бўлди.

**Муҳайё АШУРОВА,**
**Бош прокуратура бўлим прокурори**

# «ТАСНИМ» НЕГА ТАСЛИМ БЎЛМАДИ?

Тошкент шаҳридаги «Тасним» қўшма корхонаси ташкил этилаётганда таъсисчилар кўзланган ишдан манфаатдор бўлиш билан бирга ишда турли хил қийинчиликларга дуч келишларини ҳам ўйлашган бўлса ажабмас.

Корхона 2006 йилни муваффақиятли якунлаб, 2007 йилда янги режалар асосида ишни бошлаган бир пайтда корхонага Сирғали туман солиқ инспекциясидан режа бўйича текширишга келишади. Текширишда корхонадаги ишларнинг барчаси ҳам кўнгилдагидек эмаслиги маълум бўлади. Жумладан, корхона барча мажбурий тўловлар ва солиқларни ўз вақтида тўлаган бўлса-да, ер солиғи бўйича қонун талаби бузилганлиги аниқланади. Солиқ инспекцияси текшириш натижасига кўра 1 млн. 52 минг 362 сўм миқдоридаги суммани ундириш учун корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига инкасса топшириқномасини қўяди. Албатта, бу корхона учун англашилмовчиликдек бўлиб, Тошкент шаҳар адлия бошқармасига мурожаат қилишади. **Мутахассислар ҳолатни ўрганиб чиқишгач, шаҳар хўжалик судига солиқ инспекциясининг корхонага нисбатан инкасса топшириқномасини ижро этиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги** даъво билан мурожаат қилади. Суд ишни кўриб чиқиб, уни қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилади. Лекин иш кассация инстанциясида кўрилганида биринчи инстанция суди қарорини асоссиз деб топиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилади. Лекин иш ҳужжатлари атрофлича ўрганилганда, суднинг мазкур қарори Хўжалик-процессуал кодексининг 135-138-моддалари талабларига зидлиги аниқланди. Хусусан, кассация инстанциясининг қарорида Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарга нисбатан ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 6-бандида корхонанинг эгалиги, фойдаланиши ёки ижарада фойдаланиши учун унга бириктириб берилган ер участкаси майдони солиқ тўлаш объекти бўлиб ҳисобланиши қайд этилганлигига янглишган ҳолда таянилган. **Чунки, айнан шу йўриқноманинг 2-бандида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар барча солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона ер солиғи тўлаши лозимлиги кўрсатилган бўлиб, шу пайтда амалда бўлган Солиқ кодексининг 4-моддасида** солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча шубҳали, зиддиятли қоидалар ва ноаниқликлар солиқ тўловчи тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши кўрсатилганлиги сабабли кассация инстанцияси томонидан юқорида тилга олинган нормадаги тафовутга ҳуқуқий баҳо берилмаган. Бу эса моддий ҳуқуқ нормасининг нотўғри қўлланилганлигини кўрсатади. Чунки мазкур Йўриқноманинг 6-бандида корхонага бириктириб берилган ер участкаси майдони солиқ тўлаш объекти ҳисобланиши кўрсатилган бўлиб, низони тўғри ҳал қилиш учун суд қайси хўжалик юритувчи субъектлар ягона ер солиғини тўлаши лозимлигини аниқлаб олиши зарур эди. Йўриқномада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар барча солиқ ва мажбурий тўловлар ўрнига ягона ер солиғи тўлаши лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, кассация инстанцияси томонидан низони ҳал этишда ушбу бандни эмас, балки 6-бандни нотўғри қўллаган.

Бундан ташқари, кассация инстанцияси томонидан 1998 йил 13 июлда тузилган олди-сотди шартномаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 5 июндаги 301 сонли қарорига асосан 11.798 квадрат метрдан иборат омборхона ва цех биноси жойлашган ер майдони «Тасним» қўшма корхонасига доимий фойдаланиш учун бириктириб берилгани, шунингдек, кадастр ҳужжатларида ҳам омборхона ва цех биноси деб кўрсатилганлиги сабабли қўшма корхона ягона ер солиғи эмас, унга бириктириб берилган ер майдонидан ер солиғи тўлаши ҳақида янглиш хулосага келинган. Чунки, ижара шартномаси, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари қўшма корхонага нисбатан ер майдонига эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш учун ҳуқуқий асос бўлиши, корхонанинг қайси солиқ тури бўйича қанча солиқ ҳисобланиб, ундирилиши учун бу ҳужжатлар эмас, балки корхонанинг давлат статистика органлари томонидан қандай корхона сифатида рўйхатга олиниб, қайси ОКОНХ рақами берилгани асос бўлиши кассация инстанциясининг эътиборидан четда қолган. Бундан ташқари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан корхонага 1998 йилнинг 28 июлида Сирғали тумани Венгер 2-тор кўчаси 59-уйда жойлашган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери берилган бўлиб, мазкур ордерда мева ва сабзавот омборхонаси деб кўрсатилган. Шу билан бирга Сирғали туман ҳокимининг 2004 йил 19 октябрдаги 424-сонли қарорига кўра Сирғали туман Олтин водий (Венгер) 2-тор кўчаси 59-уйда қуриб битказилган иссиқхона биносига «Тасним» қўшма корхонасининг эгалик ҳуқуқи эътироф этилган. Қолаверса, кассация инстанцияси томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорида кўрсатилган «Тасним» қўшма корхонасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи корхона эканлиги ҳақидаги хулосаси қайси қонун нормасига асосан нотўғри эканлигини қонуний асослар билан исботламасдан туриб даъвони бекор қилиш тўғрисида барвақт хулосага келган. Шу боисдан ҳам суд томонидан йўл қўйилган ана шу хатоларни бартараф этиш мақсадида Олий хўжалик судининг Раёсатига Бош прокуратура томонидан киритилган протест қаноатлантирилиб, қонун устуворлигининг таъминланишига эришилди.

**Улуғбек САЙФУТДИНОВ,**
**Бош прокуратура бўлим катта прокурори**

